



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ПОКИСТОН БОШ ВАЗИРИ БИЛАН ИККИ ТОМОНЛАМА КУН ТАРТИБИ ВА МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
26 октябрь куни Покистон Ислон
Республикаси Бош вазири Имрон Хон
билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Сўхбат аввалида Покистон Ҳукумати раҳбари мамлакатимиз етакчисини сайлов кампанияси муваффақиятли ўтказилгани ва Президент сайловида ишончли ғалабага эришилгани билан самимий кутлаб, дўст Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва раънақ тилади.

Ўзбекистон Президенти ва Покистон Бош вазири икки томонлама ҳамкорликда барқарор ривожланиш тенденцияси кузатилаётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Жорий йил июль ойида ўтган Тошкент саммити давомидаги самарали учрашувлар кўп қиррали Ўзбекистон — Покистон муносабатларини аниқ мазмун билан бойитиб,

стратегик шериклик даражасига кўтаришга хизмат қилди.

Узаро савдо кўрсаткичлари ортаётгани, икки мамлакат етакчи компанияларининг саноат кооперацияси кўлами кенгайиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Инвестиция, банк-молия, транспорт-коммуникация, гуманитар ва бошқа соҳаларда янги лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

Афғонистонда вужудга келаётган вазият юзасидан ҳам фикр алмашилди. Ушбу мамлакатда тинчлик ўрнатилишига ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришишга кўмаклашиш мақсадида халқаро сўй-ҳаракатларни бирлаштириш муҳим экани қайд этилди.

Ў.А.

Покистонда нашр этилган “Шавкат Мирзиёев — узоқни кўра биладиган давлат арбоби” китобининг тақдимоти бўлиб ўтди

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлигида Покистонда нашр этилган “Шавкат Мирзиёев — узоқни кўра биладиган давлат арбоби” (“H.E. Shavkat Mirziyoyev a visionary statesman”) тахлилий мақолалар тўпламининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Исломободдаги Глобал ва стратегик тадқиқотлар маркази томонидан Ўзбекистон элчихонаси билан ҳамкорликда нашрга тайёрланган китобга Покистоннинг таниқли экспертлари, олимлари ва ёш тадқиқотчилари томонидан ёзилган 14 та тахлилий мақола киритилган.

Тадбирда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири ўринбосари Фурқат Сидиков сўзга чиқиб, ушбу китобнинг нашр этилиши Покистон ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлил доиралари вакиллари ҳамда дунё ҳамжамиятининг Янги Ўзбекистонга бўлган катта қизиқишини ифодалашини

таъкидлади. Янги тўплам Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва демократик ўзгаришлар натижалари, давлатимиз раҳбарининг конструктив ташқи сиёсати, минтақавий ва глобал аҳамиятга мўллик ҳолатлари, жумладан, Тошкентда Марказий ва Жанубий Осиё минтақавий узаро боғлиқлиги мавзусига бағишланган ўтказилган халқаро конференцияда илгари сурган 10 та ташаббуси мазмун-моҳиятига бағишланган.

Давоми 2-бетда

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР...

ИНСОН ҚАДРИ ВА ЭРКИНЛИК ТАНТАНАСИ

Аҳоли турмуш фаровонлиги, инсон қадри ва эркинлигини таъминлаш сайловолди дастурининг энг устувор йўналиши этиб белгиланган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод Шавкат Мирмонович Мирзиёев сайловда ғолиб бўлиб, иккинчи марта Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

Халқимиз — закий. Донолиги шундаки, одам қадр-қимматини кўтариб, эркинлигини таъминлаш, ҳаёт даражасини юксалтириш учун туну кун қайғураётган етакчига эргашади, керак бўлса, уни бошига кўтаради, шаънини улуғлайди. Шу маънода, Президент сайловида юртдошларимиз орзу-умидлари, хоҳиш-иродаси, оқилона танлови ўз аксини рўй-рост кўрсатди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Зайниддин Низомхўжаев алоҳида урғу берганидек, **Шавкат Мирзиёев сайловчиларнинг энг кўп — 80,1 фоиз овозини олиб, ишончли ғалаба қозонди.**

Халқаро кузатувчилар ҳам сайлов демократик тамойиллар асосида очик, шаффоф ва ошқора бўлиб ўтганини эътироф этяпти.

— Бу сайлов ҳозиргача эришилган ютуқларнинг тасдиғи сифатида сўнгги йилларда демократик ислохотлар давом эттирилиши зарурлигини кўрсатиб берди, — дейди ЕХХТнинг қисқа муддатли кузатувчилар миссияси раҳбари Райнхольд Лопатка.

Шахсий кузатувларимизга қараганда, бундан беш йил олдин



юртдошларимиз Шавкат Мирзиёевга катта умид билан овоз берган бўлса, бу гал умид ўрнини қатъий ишонч эгаллади. Шу боис, аксарият сайловчилар эртанги порлоқ келажагини амалдаги Президент билан боғлашга қарор қилди.

Сайлаш ҳуқуқига эга бўлган аҳоли қатламининг мултоқ катта қисми ЎзЛиДеП номзодини қўллаб-қувватлаб овоз бергани бежиз эмас. Чунки Шавкат Мирзиёев ваъдаларининг устидан чиққан раҳбар, катта ислохотчи сифатида танилди. Ўз навбатида, янги қиёфага эга бўлган янги Ўзбекистонни дунёга қайта танитди. Бошқача айтганда, ўтган жуда қисқа

давр ичида мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида туб ўзгаришлар ясай олди.

Энг муҳими, олий хилқат ҳисобланмиш инсонни улуғлаш, унинг шаъни, қадр-қимматини кўтариш, муносиб ҳаёт шароитини яратиш ислохотларнинг ўзагини ташкил этди. Шу маънода, Президент сайловида инсон қадри ташаббускорининг эзгу ва халқчил ғоялари тантана қилди, деб айтиш учун барча асосларимиз етарли.

ДАВЛАТ — ИНСОНЛАР УЧУН

Ўтган беш йилликни сарҳисоб қилар эканмиз, амалга оширилган улкан

ўзгаришлар замирида ҳаётий бир ҳақиқат — давлат ва жамият бошқарувида очиклик ва адолатга асосланган, одамлар манфаатига хизмат қиладиган халқпарвар қарорлар қабул қилиш тизими шакллантирилгани мужассам эканига ишонч ҳосил қиласиз. Қайси соҳа ёки қандай масала бўлмасин, инсон манфаатлари устуворлиги бирламчи ўринга кўтарилди. Бинобарин, **“Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”**, деган тамойил давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Давоми 2-бетда

ТАРИХГА НАЗАР

ҚАЛБ ВА ҚАНОТЛАР СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН ВА АМИР ТЕМУР: БИР ВОҚЕЛИКНИНГ ИККИ ҚИРРАСИ

Туронзамин бағридан қўллаб буюк зотлар етишиб чиққан. Хусусан, Султон Жалолиддин ва Амир Темур ҳақида ўйлаганда, кишининг кўз олдида ҳаётнинг турли ҳикматлари кинотасмадай ўтаверади. Зеро, бу икки инсон таржimai ҳолида тирикликнинг жами синоатлари, одам боласи кечирши мумкин бўлган барча қушойиш ва оройишлар, табиатда мавжуд, илмий тилда “gotosi riens” деб аталувчи энг мукамал икки оёқли жонзотнинг нималарга чидаши, нималарга қодирлиги, ҳуллас, ер юзининг ноль нуқтасидан чексизликкача бўлган ўлчами мужассамлашган, десак хато бўлмайди.

Давоми 6-бетда

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

ТРАНСПЛАНТАЦИЯ РИВОЖИ

ТИББИЁТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ МУҲИМ КЎРСАТКИЧ



Инсон учун саломатликдан олий неъмат йўқ. Жисман соғлом ва руҳан етук фуқаро ҳар қандай жамиятнинг бойлиги саналади. Шу боис, кейинги йилларда мамлакатимизда инсон саломатлигини муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланди.

Бу борада қабул қилинган қатор меърий ҳужжатларда халқаро андозалар даражасидаги тиббий хизмат кўрсатиш тизимини барпо этиш, халқимизни янада соғломлаштириш, эл розилигига эришишдек улғу мақсад ўз ифодасини топди. Бирламчи тиббиёт тизими,

шошилини тиббий ёрдам, хусусий сектор, дори-дармон таъминоти ҳамда ихтисослаштирилган тиббий хизмат борасида амалга оширилган ишлар фикримиз далилидир.

Давоми 5-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

КОММУНАЛ СОҲАДА ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ВА ТОПШИРИҚЛАР ИЖРОСИ СОҲА РИВОЖИНИНГ ГАРОВИДИР

Мамлакатимиз тарихий анъаналарни изчил давом эттирган ҳолда, ўз тараққиётининг муҳим босқичи — “Учинчи Ренессанс — Янги Ўзбекистон” пойдеворини барпо этишдек улғу мақсадга эришиш йўлида янги-янги қадамлар ташламоқда.

Президентимиз “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳарририга берган интервьюсида мамлакатимизда кечаётган демократик ўзгаришлар ва кенг кўламли ислохотларга алоҳида урғу берди.

Хусусан, “Инсон манфаатлари — ҳамма нарсадан устун” ва “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” тамойиллари асосида юриштирилган одилона сиёсат фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича



мулоқотнинг мутлақо янги тизими, янги институтини яратди.

Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий

ҳимояга муҳтож аҳоли қатламининг йиллар давомида йиғилган муаммоларини ҳал этиш имконини бермоқда.

Давоми 3-бетда

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР...

ИНСОН ҚАДРИ ВА ЭРКИНЛИК ТАНТАНАСИ



Қаландар АБДУРАХМОНОВ, академик

Бошланғич 1-бета

Дарҳақиқат, ислохотларнинг янги босқичида давлат халққа яқинлашди. Барча бўғиндаги ҳокимлар, вазирилик ва идоралар, прокуратура, суд-ҳуқуқ ва ички ишлар органлари раҳбарлари, қўйинги, депутат ва сенаторлар бевосита жойларга чиқиб, одамларнинг ҳаётини муаммоларини ургана бошлади. Уларнинг ўз фаолияти бўйича халқ олдида ҳисобдорлик масъулияти ошди.

Давлат идоралари, ҳокимият атрофини ўраб турган темир панжаралар олиниб, топ маънода халқ учун ўз эшикларини очди. Илгари ҳатто хизмат кўрсатиш муассасалари ҳисобланмиш банklar биносига кириш ҳам осон бўлмаган. Ички ишлар органи ҳодимлари эшикчаларни қилиб, ёнингизда паспортнинг бўлмаса, ичкарига киритмас эди. Нақд пул олиш эса, банк мижозлари учун чинакам бахтга айланганди.

Ҳа, яқин-яқингача банк тизимидаги энг оғирлик масалалардан бири нақд пул тақчиллиги эди. Аҳолининг аксарияти қисми иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияни пластик карточкада олса-да, уни нақдлаштириш тугул, ул-бул харид қилишда моддий томондан зарар кўради, оқибатда руҳан эзиларди. Сабаби, айрим дўконларда терминал ишламаётгани баҳона қилинса, бошқасида, очкичасига нарх устига 20 фоизгача устама қўйиларди. Бу ҳол пулмизни ўн, йигирма, ҳатто, ўттиз фоиз устама ҳақи билан нақдлаштириб берувчи "тадбиркорлар синфи" пайдо бўлишига замин яратди.

Уша пайтда кимдир буни инфляцияга боғласа, яна биров нақд пулнинг банкдан ташқари айланishi ортиб кетгани билан изоҳларди. Муаммонинг асл илди эса, Президентимизнинг 2017 йил 2 февралдаги "Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизминини тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарориде айтилганидек, тўлов терминаллари ва банк аппаратлари тизими етарли даражада ривожланмаган ҳолда, тўловлар пластик карточкаларга асосис равишда ўтказилганида эди.

Ушбу ҳужжат қабул қилинган, банк-молия тизимида хизмат кўрсатиш сифатида ҳаққикан яхши томонга ўзгарди. Барча турдаги пенсиялар ҳеч қандай чекловларсиз нақд пулда берилди бошланди. Энг асосийси, аҳоли гавжум жойларда пластик карточкадан маблағ олиш имкони бўлган банкоматлар ўрнатилди бошланди.

Бугун нақд пул муаммоси юртдошларимизнинг эсидан чиқиб кетгани рост. Эндиликда "электрон ҳамён"имиздаги маблағни нақдлаштириш учун банкка бориш, узундан-узун навбатда туришга ҳожат йўқ. Ҳар қадамда банкомат бўлиб, улар туну кун ишлаяпти. Марказий банк маълумотларига қараганда, 2021 йил январь-август ойларида банк карталарига 178,1 триллион сўмлик маблағлар келиб тушган бўлса, шундан 58,8 триллион сўми (33 фоиз) аҳоли томонидан ортиқча овозгарчиликларсиз нақдлаштириб олинган.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва қатъий иродаси туфайли халқимизни йиллар давомида қийнаб келган нақд пул тақчиллиги атиги 1-2 йил ичида ўз ечимини топди. Айрим экспертлар башорат қилганидек, мазкур жараён 5-10 йилгача қўзилиб кетмади. Бу ислохотлар, аввало, инсон ва унинг манфаатларига хизмат қилаётганининг амалий тасдиғидир.

Бинобарин, кейинги пайтда "давлат — жамият — инсон" тамойили ўзгариб, "Давлат — инсонлар учун" деган халқчил ғоя ҳаққимизда қарор топмакда. Унга кўра, инсон манфаатлари жамият ва давлат манфаатидан юқори ўринга кўтарилгани таҳсинга лойиқ.

ЎТКИР МУАММОНИНГ АНИҚ ЕЧИМИ

Яширишнинг ҳожати йўқ, муस्ताқил тараққиётимизнинг чорак асрлик даврида ижтимоий соҳаларда кўплаб муаммолар қалашиб кетди. Айниқса, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, табиий газ ва электр энергияси, ичимлик сув таъминоти, коммунал хизмат, йўл қурилишидаги камчиликлар одамларда ҳақли эътирозларни уйғотаётганди. Ахир, автомобиль йўллари аёғор аҳолига келиб қолган, чекка ҳудудларда аҳолидан электр энергияси ва табиий газ тармоқларини суткалаб олиб қўйиш одатий ҳола айланган эди. Уй-жойлар этишмаслиги халқимизни қийнаётган ўткир муаммага айланганди.

...Бир қўшимиз икки келини, тўрт набираси билан битта хонадонда сиқилиб қолганди. Ўғилларига ёрдам бўлсин, деб пенсиядаги чол-кампар ишлар, келинлар ҳам қараб турмасди. Бироқ олти кишини толганини орттириб, битта хонадон олишга қурби етмагач, катта оила ижтимоий муаммо гирдобига тушиб қолди. Ана шундай мураккаб шароитда арзон уй-жойлар қуриш мақсадида 2017–2021 йилларга мўлжалланган алоҳида дастур қабул қилингани шу каби минглаб оилаларнинг жонига оро кирди. Хусусан, қўшимиз ўғилларидан бири ушбу дастур доирасида уй-жойли бўлди.

Агар бу дастурда беш йилда 1 минг 136 та кўп қаватли арзон уй-жойлар, жумладан, қишлоқ жойларда янги намунавий лойиҳалар асосида 100 мингдан ортиқ турар жой биналари барпо этилиши кўзда тутилганини инобатга олса, утган даврда минг-минглаб оилалар ўз хонадонига эга бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас, албатта.

Чиндан ҳам, сўнгги йилларда юртимизда ипотека дастурлари доирасида 140 мингдан ортиқ уй-жойлар барпо этилди. Бу рақам олдинги йиллардагига солиштирилса, эътибор қилинган — 10 мартадан ҳам кўпроқ.



Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган Янги Ўзбекистон стратегияси келгуси беш йилда камбағалликни қисқартириш, эҳтиёжманд ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, юртимизда яшаётган миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир ватандошимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя этиши, кафолатли даромад манбаи, тиббий хизматлар ва уй-жой, сифатли таълим билан таъминлаш каби эзгу мақсадларга йўғрилгани билан диққатга сазовор.

Оиладаги энг катта масала ҳал бўлган, одамларнинг турмуш шароити ҳам яхшиланиб, ҳаёт даражаси ортиб бораётди. Буни расмий статистика ҳам тасдиқлайди. Гап шундаки, ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги ҳар 100 та оилага 162 та телевизор, 107 та холодильник, 287 та мобил телефон, 49 та енгил автомобиль тўғри келади. Бошқача айтганда, мамлакатимиздаги оилаларнинг қарийб ярми ўзининг шахсий автомобилига эга.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган Янги Ўзбекистон стратегияси келгуси беш йилликда камбағалликни қисқартириш, эҳтиёжманд аҳоли ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, юртимизда яшаётган миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир ватандошимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя этиши, кафолатли даромад манбаи, тиббий хизматлар ва уй-жой, сифатли таълим билан таъминлаш каби эзгу мақсадларга йўғрилгани билан диққатга сазовор.

Шавкат Мирзиёев сайловчилар билан учрашувларда кўп бора таъкидлаганидек, эндиликда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилди. Хусусан, эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам билан таъминлаш даражаси ҳозирги 60 фоиздан 100 фоизга етказилди. Базавий пенсия ҳисоблашда иш ҳақининг чегаравий миқдори 10 баробардан 12 баробарга оширилди. Бу 2 миллион нафар фуқаронинг пенсияси камиди 20 фоизга кўпаяди, деганидир. Шунингдек, уй-жойга муҳтож фуқароларга турар жойларни ижтимоий ижарага бериш тизими жорий этилди.

Шу билан бирга, имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятда ўз урнини топишига алоҳида эътибор қаратилади. Мисол учун, ҳозирги

орасида шундоқ ҳам яшаб юрган уйини ўз номига расмийлаштириб, доимий пропискага қўйганлар кўпчиликини ташкил қилади. Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашувда айтган мана бу сўзлар одамлар қалбининг туб-тубидаги оруз-армонларнинг акс-садоси бўлиб янгради: "Ётоқхоналарда, квартираларда яшаш каби муаммоларни менга биров айтиб бермаган. Уй олиш азобини ўзим кўрганман. 18 йил деганда уй ва прописка олганман. Катта мамлакатда яшаб туриб, шаҳарга прописка қўйиш мумкин эмасди. Шунинг учун ҳам лавозимга киришим биланок уй-жойлар қурилишига, шароит яратишга эътибор бердик".

ИНСОНПАРВАРЛИК СИЁСАТИ МАҲСУЛИ

Бугун олиб борилаётган ислохотлар инсонпарварликка йўғрилгани билан нафақат юртимизда, балки хорижий давлатларда ҳам эътироф этилмоқда. Зеро, адашгани кечириб, тўғри йўлга бошлаш, йиқилгани суяш, ўзга юртдаги ҳамюртларимиз ҳаёти учун қайғуриш — буларнинг бари янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида собит бўлган Етақчи бошлаб берган сиёсатнинг ўзига хос жиҳатларидан биридир. Шу маънода, Шавкат Мирзиёевнинг топиригаги биноан амалга оширилган "Меҳр" операцияси инсонпарварликнинг ёрқин намунаси бўлди.

Бугунги кунга қадар "Меҳр" операцияси беш марта муваффақиятли амалга оширилди. Натижанда Яқин Шарқдаги қуролли моjarолар ҳудудидан 531 нафар ватандошимиз, асосан, аёллар ва болалар юртимизга қайтарилди.

Алдov оқибатида Сурия, Ироқ, Афғонистон ҳудудларида мураккаб вазиятда қолган, оғир ҳаётини даври бошидан ўтказган бу инсонларга ҳуқуматимиз томонидан тиббий, психологик, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Уларнинг тинч ҳаётга қайтиб, жамиятга мослашиши, таълим ва ижтимоий дастурларда иштирок этиши учун зарур шароит яратилди, бошлана ва иш билан таъминлаш чоралари қўрилди.

Булар айтишганина осон. Ушбу хайрли ишлар замирида не-не машаққатлар борлигини биров билса, бошқаси ҳис қилолмайди ҳам. Бу сўзларимизни ноўрин тушунманг. Негаки, айрим кишилар томонидан ушбу амалиётга нисбатан танқидий фикрлар ҳам айтилгани, ижтимоий тармоқларда муҳокамалар марказидаги мавзуга айланганига гувоҳис. Бироқ бу аёлларнинг аксарияти муулмон одатига кўра, ўз турмуш ўртоғи чақирувига кўра билиб-билмай у ерга кетгани, кўпчилиги ҳатто қаерга бораётганини билмасдан адашгани, болаларнинг аксарияти эса норасида гўдак бўлгани ёки жанг ҳудудларида дунёга келганини ҳисобга олсақ, давлатимизнинг инсонпарварлик ва кечиримлик каби олижаноб сиёсатига яна бир бор таҳсин айтасан киши.

Ўзингиз уйланг, тақдир тақозоси билан жангарилар лагерига бориб қолган болаларимиз ёки уруш ўчоғида дунёга келган ўзбек фарзандларини дўзах азобига ташлаб қўйиш инсонийлик тамойилларига тўғри келмайдими? Ҳудо кўрсатмасин, у ерлардаги гўдакларнинг тақдирига тирик қилиш битилган бўлса, 10 ёшдан бошлаб профессионал жангчи, террорист

қилиб тарбияланади. Шундай экан, у яна 10 йилдан кейин Ўзбекистон фуқароси номи билан тинч юртларни вайрон қилмаслигига, ўзбек деган номга доғ туширмаслигига ким кафолат бера олади?

Бундай хайрли тадбирлар туфайли давлатимиз қанчалик меҳр-саховатли, кечиримли экани бутун дунёга ёйилди. Билиб жиноят йўлига кирганларни эмас, билмай қилган хатоларини кечириб орқали инсон қадри ва шаъни юқори экани дунёга кўз-кўз қилинди.

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ПАЛЛАСИ

Бундай ижтимоий лойиҳалар, айтилик, арзон уй-жойлар қуриш, эҳтиёжмандларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш тадбирлари Давлат бюджетига ортиқча юк бўлмади. Иқтисодий инновациялар заррача ҳам таъсир кўрсатгани йўқ. Аксинча, амалий натижадорлик, инсон манфаати ислохотларимизнинг бош мақсадига айландики, пировардида, сўнгги беш йилда мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан юксалди.

Чиндан ҳам, шу йилларда иқтисодийимиз 24 фоизга, саноат 34 фоизга, экспорт ҳажми 1,5 баробарга, хорижий инвестициялар ҳажми эса, 3 баробарга ўсди. Ўз навбатида, ўртача ойлик иш ҳақи 2,2 марта кўпайди. Лекин бу чегара эмас. Келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни 1,6 баробар ошириш, 2030 йилга бориб эса, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромаддан 4 минг долларга етказиш мўлжалланмоқда.

Бунга эришиш учун иқтисодийта илм ва инновацияларга асосланган янги технологияларни жадал қўллаш, қўшилган қиймат занжирларини кўпайтириш орқали меҳнат самарадорлигига туб ўзгаришлар ясаб борасидаги саъй-ҳаракатлар қўрилмоқда. Яъни келгуси йилдан "Янги Ўзбекистон — рақобатбардор маҳсулотлар юрти", деган ғоя асосида 200 экспортчи очик танлов асосида сараланиб, уларни етақчи экспортёрларга айлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича манзилли дастур амалга оширилди.

Шу билан бирга, "драйвер" соҳаларда "хомашёдан — тайёр маҳсулотгача" тамойили асосида саноат кластери тизимини ривожлантириш орқали келгуси беш йилда саноат маҳсулотлари ҳажми 1,4 баробар, меҳнат унумдорлиги эса, камида 2 марта оширилди. 120 миллиард доллар, шу жумладан, 70 миллиард доллар хорижий инвестициялар жалб қилинади. Пировардида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти 1,7 баробар оширилиб, 2026 йилда 30 миллиард долларга етказилди.

Шу ва шу сингари ижтимоий-иқтисодий соҳаларда белгилаб олинган улкан мақсад-муддаоларимизга қайта сайланган Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида, албатта, эришамиз. Зеро, халқчил ва инсонпарвар, адолатли давлат — янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида олиб борилаётган шиддатли ислохотлар тез орада ўзининг юксак самарадорлигини бериши турган гап. Бунга биз ишонамиз, бунга халқ ишонди! Ушбу ишонч халқ сайлаган оқил раҳбарнинг ҳар бир ишида, қабул қилинадиган қарорларида акс этишига шубҳамиз йўқ.

Покистонда нашр этилган "Шавкат Мирзиёев — узоқни кўра биладиган давлат арбоби" китобининг тақдироти бўлиб ўтди

Бошланғич 1-бета

Тошкентда Ўзбекистон Президенти сайловида халқро кузатувчи сифатида бўлиб турган Глобал ва стратегик тадқиқотлар маркази ижрочи директори Холид Таймур Акрот тахлилий мақолалар китобини тақдим этар экан, Покистон кенг жамоатчилиги Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ислохотчилик сиёсатида катта қизиқиш ва чуқур эътибор билан муносабатда экани ҳамда уни чуқур ўрганаётганини таъкидлади.

Холид Таймур Акротнинг мазкур тўпламга киритилган "Илм-фан, маданий ва гуманитар алмашинувларни кенгайтириш: Президент Шавкат Мирзиёевнинг юқори аҳамиятга эга тақлифи" ("Expansion of Scientific, Cultural, and Humanitarian Exchanges: A Great Proposal by His Excellency President Shavkat Mirziyoyev") сарлавҳали мақоласида Ўзбекистон Президентининг Марказий ва

Жанубий Осиё ўртасидаги маданий-гуманитар ва академик алоқаларни чуқурлаштириш, шунингдек, минтақавий интеграция жараёнини жадаллаштириш бўйича минтақавий ва халқаро ташаббуслари музокира-моҳияти тахлил қилинган.

Китобнинг биринчи қисми "Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёевнинг изчил раҳбарлиги даврида" ("Uzbekistan under the dynamic leadership of His Excellency President Shavkat Mirziyoyev") деб номланган Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ўзаро манфаатли кўп томонлама янги ташаббусларнинг аҳамияти, шунингдек, Янги

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг мақсадларига бағишланган учта тахлилий мақола ўрин олган.

Китобнинг "Марказий ва Жанубий Осиёнинг минтақавий ўзаро боғлиқлиги: Президент Шавкат Мирзиёевнинг буюк ташаббуси" ("Central Asia and South Asia Regional Connectivity: Great initiative by His Excellency President Shavkat Mirziyoyev") деб номланган учинчи қисми Ўзбекистон раҳбари томонидан жорий йил июль ойида Тошкентда бўлиб ўтган халқаро конференцияда минтақавий ўзаро боғлиқлик алоқаларини мустақамлашга қаратилган ташаббусларига бағишланган.

Китобда жамланган материаллар бундан аввалроқ Покистоннинг "Islamabad Post", "Diplomatic News Agency", "Centreline", "National Herald Tribune" каби етақчи газе-сабатлардаги мавқеи, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ўзаро манфаатли кўп томонлама янги ташаббусларнинг аҳамияти, шунингдек, Янги

"Дунё" АА

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА РАИСЛИГИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги ташаббуси билан ШХТнинг Тошкент шаҳрида жойлашган Террорчиликка қарши кураш бўйича минтақавий тузилмаси ижроия қўмитасида Ўзбекистон Республикасининг 2021-2022 йиллар ичидаги ташкилотга раислигида амалга ошириладиган ишларнинг устувор йўналишлари тақдироти бўлиб ўтди.

Тақдиротида ШХТга аъзо давлатлар миллий координаторлари, ОАВ ходимлари ва экспертлар иштирок этиди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Душанбе саммитида қилган маърузасининг асосий йўналишлари, шунингдек, мазкур дастурий маърузадан келиб чиқиб белгиланган устувор вазифалар ва мамлакатнинг Ташкилотдаги раислигида амалга ошириладиган тадбирлари рўйхати билан таништирилди.

Мазлумки, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Душанбеда бўлиб ўтган саммитида ушбу нуфузли ташкилотга раислик қилиш 2021-2022 йиллар мобайнида Ўзбекистонга ўтиши ҳақида қарор қабул қилинган эди. Саммитда Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз ШХТга раислик қилишининг бир қанча устувор йўналишларини белгилаб берди.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири ўринбосари Ғайрат Фозиллов иштирокчиларга Ўзбекистон

Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган Ўзбекистоннинг ШХТга раислиги даврида амалга ошириладиган 80 дан ортиқ тадбирларни ўтказиш режалаштирилаётганини маълум қилди. Давлат раҳбарлари Кенгашининг мажлиси, Ташқи ишлар вазирлари Кенгаши, хавфсизлик Кенгаши котибларининг учрашувлари, Ихтисослашган вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг маслаҳатлашувлари, Иқтисодий форум, худудлар раҳбарлари форумлари ва бошқа бир қанча тадбирлар шулар жумласидандир.

Учрашувда алоҳида таъкидландики, Ўзбекистон ШХТ Хартияси тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, ташкилотга раислик қилгани ва биринчи навбатда аъзо-давлатлар халқларининг ҳаёт кечирishi сифатини ошириш, фаровончилигини юксалтириш ҳамда тараққиётнинг изчил динамикасини таъминлаш мақсадида тенглик, яқин қўшничилик, манфаатларни ўзаро ҳурмат қилишга асосланган "Шанхай руҳи" тамойилларини мустақамлашга қаратади.

— Ўзбекистон бир йил давомида Евроосиё минтақасида энг таъсирчан бўлган халқро ташкилотларнинг бири — Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилади, бу биз учун жуда катта масъулият, — деди Ўзбекистон Республикасининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотини ишлари бўйича миллий координатори Раҳматулла Нуриимбетов. — Ўзбекистоннинг халқро майдонда тобора ортиб бораётган обрўси ушбу аъзо-давлатлар билан сўнгги беш йил ичида кенгайиб бораётган ишончли ҳамкорлиги натижасидир. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг ташкилотда муваффақиятли раислик қилиши учун мустақам замин бўлади.

Бугун илк бор Ўзбекистоннинг ШХТга раислигидаги биринчи тадбири бошланди. Энг аввало шунини таъкидлашим мумкинки, тадбирда иштирок этаётган барча делегация раҳбарлари, элчилар, миллий координаторлар Ўзбекистон раҳбариятини, халқимизни бўлиб ўтган катта сиёсий жараён — Президент сайлови натижалари билан қутлашди. Шунингдек, ташкилотга аъзо барча давлатлар Ўзбекистон раислигида Президент томонидан илгари сурилган устувор йўналишлар ҳамда вазифаларни қўллаб-қувватлашга таъйибригини билдиришди.

ШХТ миллий координаторларининг илк йиғилиши Қорақалпоғистон ҳудудида бўлиб ўтди.

— Бундан мақсад делегация аъзоларини охириги беш йилда Ўзбекистоннинг олис худудларида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар ва ўзгаришлар натижалари билан таништиришдир. Уйлайманики, мана шундай ёндашув, дипломатика, сиёсий ва маданий нуқта-назардан Ўзбекистоннинг ташкилотга раҳбарлик қилишидаги муваффақиятини таъминлайди, — деди Р. Нуриимбетов.

Саидмурод РАҲИМОВ, УзА мухбири

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС



КАРТОШКАЧИЛИК:

ИННОВАЦИОН УСУЛЛАР ВА КЛАСТЕРЛАР

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Картошка, халқимиз таъбири билан айтганда, иккинчи нон. Чунки у ҳам нон каби меъдага тегмайди. У нафақат тўйимлиги, балки шифобахшлиги билан ҳам ўзига хосдир. Картошка таркибиде оксил, ёғ, углеводлар, органик кислоталар, В1, В2, РР, С, D, К, Е, А витаминлари, натрий, калий, магний, кальций, темир, фосфор, йод каби элементлар мавжуд.

Бошқа жиҳатдан, "иккинчи нон" атамасининг ўзи унинг овқат истеъмолида муҳим ўрин тутди. Унинг сифатли ва арзон бўлиши ҳар бир оила фаровонлигига таъсир қилади.

Ҳозирги кунда 156 мамлакатда йилга 377 миллион тоннага яқин картошка етиштирилади. Хитой, Ҳиндистон, Россия, Украина, АҚШ, Германия, Бангладеш, Польша, Франция ва Нидерландия етакчи ишлаб чиқарувчилар ҳисобланади.

Ўзбекистон бу рўйхатда 23-ўринда туради. 2020 йилда барча тоифадаги хўжаликларда 2,9 миллион тонна картошка етиштирилди, шундан 1,5 миллион тоннаси фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳиссасига тўғри келди.

"East fruit" компанияси таҳлилчи, юртимизда картошка етиштириш ҳажми йилдан-йилга ўсиб бораётган. Натижада 2000 йилдан 2020 йилга қадар аҳоли жон бошига картошка етиштиришнинг йиллик ҳажми 29,5 килограммдан 91 килограммгача, яъни 3 баравардан кўпроқ ўсган.

Бу жуда катта муваффақият. Лекин таҳлиллар картошканинг қайси навини қарога экиш аниқ ҳисобга олинмаётгани, айниқса, фермер ва томоққа хўжаликларида сифатсиз уруғ қадалаётгани, пировард натижада ҳосилдорлик паст бўлиб қолаётганини кўрсатмоқда. Шу боис, юртимизга истеъмол учун йилга 200-300 минг тонна, уруғлик учун 17 минг тонна картошка четдан келтирилади.

Венгрия тажрибаси қандай натижа берди?



Шу йил март ойи охирида мамлакатимиз картошкачилиги соҳасида муҳим воқеа юз берди. Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида Ўзбекистон-Венгрия картошкачилик илмий маркази иш бошлади. Марказий Осиёда ягона ҳисобланган ушбу муассаса Венгрия қишлоқ хўжалиги ва табиий фанлар университети билан ҳамкорликда Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими негизиде ташкил этилди. Марказ Венгриядан келтирилган навларни синодан ўтказиш ва уруғлик картошка ишлаб чиқариш билан шуғулланади.

Бу ерда маҳаллий ва хорижий навларни ча-тиштириш орқали картошка етиштиришнинг барча босқичларида сифатни таъминлашга қаратилган комплекс тизим ишлаб чиқи-лиши, 50 дан ортқ нав маҳаллийлаштирили-ши, картошка генофонди яхшилланиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, in vitro, ўсимликлар патологияси, картошкани сақлаш

физиологияси, сифат назорати бўйича лабо-раториялар, намуналар тайёрлаш, етишти-риш ва сақлаш хоналари фаолияти ташкил этилган.

— Венгрия қишлоқ хўжалиги ва табиий фанлар университети билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўртасида тузилган ҳамкорлик шартнома-сига асосан, ушбу мамлакат селекцияси-га мансуб 6 та — "Aranu clipke", "Balatoni Rossa", "Demon", "Botani", "White", "09-688" нав намуналари юртимиз тупроқ-иклим ша-роитида синаш мақсадида олиб келинди, — дейди Сабзавот, полиз экинлари ва кар-тошкачилик илмий-тадқиқот институти ди-ректору Рустам Низомов. — Уларнинг уру-ғлик туғанакларини экиш ишлари Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти тажриба майдонларида, шунингдек, Бўстонлик тажриба участкаси, Самарқанд илмий тажриба станцияси ва

"Бўстонлик картошкачилик маркази" қўшма корхонасида амалга оширилди.

Тажриба майдонларида томчилатиб су-ғориш тизими ўрнатилди ва ўсимликларни суғориш ҳамда озиклантириш ишлари авто-матлашган ҳолда олиб борилди. Ниҳолларга зарар келтирувчи хашарот ва касалликларга қарши тадбирлар институтиимизнинг Ўсимлик-ларни касаллик ва зараркундалардан ҳимоя қилиш лабораторияси олимлари томонидан тавсия этилган биологик ва кимёвий препа-ратлар асосида ўтказилди. Экинган навлар ўсиб-ривожланиши бўйича фенологик кузату-лар ва биометрик ўлчовлар ўз муддатида қайд этиб борилди.

Таҳлил ва ҳулосалар асосида 6 та нав на-мунасидадан барчасининг ўсиб-ривожланиши, маҳаллий тупроқ-иклим шароитига мосла-шишини ижобий баҳолаш мумкин. Ўсув ва мева шаклланиши жиҳатидан "09-688" (ме-васи сарғиш рангда), "Demon" (қизил рангда), "Aranu clipke" (оқ-сарғиш рангда) бошқала-рига нисбатан эртароқлиги кузатилди. Мева-лари йирик кўринишга эга "Demon", "Balatoni Rossa", "Botani" (меvasи қизил рангда) нав намуналарида бозорбоплик хусусияти юқори-роқ баҳоланди.

Таққосланганда, олимларимиз томони-дан реестрга киритилган "Пском" навида ўртача ҳосилдорлик гектар бошига 18,6 тоннани ташкил этган бўлса, Венгриянинг "Botani" навида 39,5 тоннадан кўпроқ тош босди. Бу кўрсаткич ўз стандарт нави-га нисбатан 112 фоиз юқори ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда, "Aranu Clipke" нави рес-публикамиз тупроқ-иклим шароитига тўлиқ мослашгани боис, стандарт нави-га нисба-тан ўртача ҳосилдорлиги 3,3 тонна кам бўлди. Деуғастация усулидаги таҳлиллар ҳосилдорлиги энг юқори бўлган "Balatoni Rossa" ва "Botani" навларида туғунақлар таъми бошқаларига нисбатан анча яхши ва шакли бозориги эканини кўрсатди.

Мавсумий тажрибаларга асосланиб, иш-лаб чиқаришга "Balatoni Rossa", "Botani",



Ҳақим йўлдошев олган суратлар.

"White" "Demon", "09-688" навларини экиш тавсия этилади.

Венгрия селекциясига мансуб эртапишар картошка навларини ҳар томонлама баҳолаш ишлари давом эттирилади. Шу билан бирга, институт лабораториясида фузариоз вилти ва фитопфтора кўзгатувчиларини ажратиш, уларнинг тур таркиби, ривожланиши, кўпайи-ши ва баъзи биологик хусусиятларини ўр-ганлиш ишлари олиб боради.

Инновацион усуллар самарасида 2021-2023 йилларда ҳосилдорлики 30-50 фоизга-ча ошириш мўлжалланган. 2024 йилга бориб, 21 минг тонна уруғлик картошка етиштириш, бу борадаги импорт ўрнини тўлиқ қоплаш мақсад қилинган.

Самарадор навлар



Ўзбекистонга юқори авлодли уруғлик картошка етказиб берувчи асосий давлатлар Нидерландия ва Россия ҳисобланади. Бундай кар-тошканинг нархи транспорт хара-жатлари ва сотувчи устамасидан келиб чиққан ҳолда, уни мустақил равишда етиштириш имконига эга бўлган мамлакатларга қараганда ка-мида икки баравар юқори бўляпти. Уруғлик картошка қиймати эса одат-да уни етиштириш харажатларида энг катта улушини эгаллайди.

Масалан, Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги "Шамсиддин Жалилов даласи" фермер хўжали-ги ўтган йили Нидерландиядан 340 тонна уруғлик картошка олиб келиб, худуддаги фермер хўжаликлари-га етказиб берган. Унинг сифатини фермерлар мамун бўлди, лекин таннархи "чақиб" олгани бор гап. Чунки ҳар бир килограмм уруғлик нархи 11 минг сўм бўлиб, шундан йўл харажати 8 минг сўмини ташкил қилган. Ҳисоб-китоблар агар ана шу уруғ ўзимизда етиштирилса, унинг нархини қарийб тенг ярмига псай-тириш мумкинлигини кўрсатади.

Қайд этганимиздек, уруғлик эли-та навларининг асосий қисми юр-тимизга четдан олиб келинади. Президентнинг 2020 йил 6 майдаги "Республикада картошка етишти-риши кенгайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантириш чора-тадбир-

лари тўғрисида"ги қарориде ана шу жиҳатлар ҳисобга олиниб, хориждан келтирилмаган уруғлик 2023 йил 1 июлгача бўлган муддатга бож-хона божидан озод этилган. Шу вақт мобайнида мамлакатимизда соҳа уруғчилигини ривожлантиришга кат-та эътибор қаратилади. Хусусан, картошка экиш учун мўлжалланган экин майдонининг камида 50 фоиз-ида супер элита ва (еки) элита ва авлод уруғларини етиштириш йўлга қўйилишини таъминланиши белгиланган. Уруғлик картошкани сақлаш, саралаш, етказиб бериш ва қайта ишлашни йўлга қўйиш, соҳага илгор технологиялар, инновацион ечимлар (ноу-хау) ва илм-фан ютуқ-ларини жорий этиш ҳам устувор ва-зифалар сирасига кирди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маъ-лумотиға кўра, картошканинг Ўзе-бекистон худудиде экиш учун тавсия этилган 131 та нави давлат реес-трига киритилган, шундан 19 таси маҳаллий илмий-тадқиқот институ-лари томонидан яратилган.

— Уларнинг 11 таси институтиимиз олимларининг кўп йиллик илмий-тадқиқотларининг амалий самара-сидир, — дейди Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти директори Ру-стам Низомов. — "Тўйимли", "Ақраб", "Дибра", "Кўксарой", "Ҳосил" ва, айниқса, кейинги пайтда яратилган

"Феруза", "Боғизгон" каби навлар кенг майдонларга экиб келинапти.

Лекин ўсиб бораётган бозор та-лабига четдан келтирилиб, зами-нимизда етиштирилаётган картош-ка кўпроқ маъқул келмоқда. Бу, ўз навбатида, маҳаллий ва хорижий селекция ҳамда биотехнологик на-вларнинг бирламчи уруғчилигини йўлга қўйиш, уруғлик бўйича маҳал-лий ва халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлики янада кен-гайтириши тақозо этипти.

Картошкачилик соҳасини ри-вожлантириш ҳамда янги навлар яратишда Жаҳон картошкачилик маркази (CIP) билан ҳамкорликда ишланмоқда ва ботаник уруғлардан картошка етиштиришга катта аҳа-мият берилмоқда. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ҳамкорлигидаги умумий қиймати 195 минг доллар бўлган лойиҳа 2021-2023 йиллар давомида амалга оширилади. Унинг асосий мақсади картошка ишлаб чиқариш соҳаси са-лоҳиятини оширишга қаратилган бў-либ, бунга навларни рўйхатга олиш ва сертификатлаш тизимини тако-миллаштириш, илмий тадқиқотлар йўналишини модернизациялаш, юқори сифатли картошка ишлаб чи-қариши ривожлантириш ва тайёр маҳсулотларни омборхоналарда сақлаш шароитларини яхшилаш ор-қали эришилади.

Жорий йилдан Бўстонлик, Булун-ғур, Янгиқўрғон, Андижон, Олтиа-риқ, Музабавот, Мирзаобод туман-ларида сабзавот, полиз экинлари қатор орасида картошканинг бир-ламчи уруғчилигини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури иш-лаб чиқилди. Сабзавот, полиз экин-лари ва картошкачилик илмий-тад-қиқот институти хузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Илмий изланишлар ва инновацион ишлан-маларни молиявий қўллаб-қувват-лаш, картошка навлари селекцияси ва уруғчилигини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди.

Сифатли уруғ — мўл ҳосил демак

Юртимизда истеъмол ва уруғлик кар-тошка етиштириши кўпайтириш, бу со-ҳада кластер ва кооперация механиз-ларини кенгайтириш ҳамда замонавий технологияларни жорий этишни давлат томонидан янада қўллаб-қувватлаш, ушбу маҳсулотга бўлган ички талабни тў-лиқ қондириш мақсад қилинган. Юқорида қайд этилган қарор асосида 40 та туман картошка экишига, шундан 23 та туманда уруғлик картошка ва 9 та туман юқори ав-лодли уруғлик картошка етиштиришга их-тисослаштирилди. Ушбу туманларда 8 та картошкачилик кластери ташкил этилди.

Ишлаб чиқаришнинг уруғчиликдан тор-тиб чуқур қайта ишлашгача бўлган бутун жараёнини қамраб олган "Agrover" агро-саноат картошкачилик кластери фаоли-ятини намуна сифатида кўрсатиш мумкин. Кластер ишлаб чиқариш жараёнини мақбуллаштириш, ер-сув ресурслари-ни оқилона тақсимлаш учун замонавий технологиялар ва усқуналардан самара-ли фойдаланиб келади. Хусусан, минг гектарга яқин ер майдониде ёмғирлатиб суғориш ва механизациялаштириш тизи-ми жорий этилган. Бу наинки обихаётни, балки минерал ўғит ва озиклантириш тадбирларини 40 фоизгача тежаш, ҳар гектар ердан 50 тоннагача ҳосил олиш имконини берапти.

— Мамлакатимиз мураккаб иқлим ша-роитида жойлашгани сабабли картошка етиштириш анчайин мураккаб, — дей-ди "Agrover" кластери раҳбари Фарҳод Тоҳиров. — Биздаги иссиқ ва қуруқ ҳаво картошка илдизи бир текисда, бир хил ҳажмда ўсиши учун муайян агротехник чора-тадбирларни ўтказишни талаб қи-лади. Бунда аънаваный усулда суғориш жуда захматталаб ва серхаражат ишдир. Биз картошка етиштиришда таннархни тушириш, сарф-харажатларни қисқарти-риш мақсадида барча жараёни меха-низациялашга қарор қилдик ва бунга тўла эришдик. Масалан, спринклер (масофа-дан туриб) айланма суғориш имконини берувчи технологияни харид қилдик, Fregat ёмғирлатувчи машиналаридан ҳам унумли фойдаланяпмиз. Бу эса юр-тимизнинг айрим худудларида йилга уч маротабагача ҳосил олиш имконини берапти. Суғорндарё вилоятида картош-канинг супер эрта ва кечки навларини етиштирамиз. Декабрь-январь ойларида



супер эрта навини экиб, апрель-май ой-ларида, кечки нав эса август ойида экиб, декабрда йиғиб олинади. Улар оралиғида эса бошқа экинлар экилади. Тошкент вилоятидаги пастькам жойларга март ойида картошка уруғи қадалади, июнда пишиб этилади. Унинг супер эрта ва эрта навлари фақат истеъмол бозори учун етишти-рилади. Тоғолди худудларида картош-канин ўрта ва кечки навларини экамиз. Бу истеъмол бозорига юборилувчи ва кейин-ги йилга сифатли уруғлик фондини шакл-лантирувчи асосий манба ҳисобланади. Шу тариқа турли табиий шароитни ҳисоб-га олиб, 9 ой мобайнида картошка экиб, 7 ой давомида ҳосил олишимиз мумкин.

Кластерга қарашли "Bo'stonlik kartoshkachiilik markazi" МЧЖга Бўстон-лик туманидаги фойдаланилмаётган ва захирадаги ерлар ҳисобидан жами 1400 гектар ер ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилган. Яхлит план-тация майдонларида уруғлик картошка етиштириш йўлга қўйилган. Унинг йиллик ҳажми қарийб 20 минг тоннани ташкил этади.

Мазкур маҳсулотнинг алоҳида сақлаш шароитларини талаб этиши ҳам инобат-га олинган. Агросаноат логистика мар-казининг ишга туширилиши 50 тоннагача картошкани музлатгичли омборларда

сақлаш, бирламчи қайта ишлаш (сар-алаш, калибшлаш, кадоқлаш) кувватини эса соатиға 100 минг тоннага етказиш имкониятини берди.

— Мамлакатимизда 2021 йил фер-мер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида жами 76 минг гектар майдонда картош-ка экилди, — дейди Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи Фахрид-дин Қирғизбоев. — Эрта баҳорда асосий майдонларга 48,5 минг гектар ва бог-тоқ қатор оралариға 6,4 минг гектар ҳамда 21,1 минг гектар такрорий майдонларга 21,1 минг гектар картошка уруғи қадалди. Барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 3,2 миллион тонна (1,5 миллион тонна фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжали-ги корхоналарида ва 1,7 миллион тонна деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томоққа майдонларида) картошка етиштириш кў-зда тутилган.

Картошкачилик соҳаси салоҳиятини ошириш, янада юқори, барқарор ҳамда сифатли маҳсулот етиштириш озиқ-ов-қат хавфсизлигини таъминлашга ҳам ҳизмат қилади. Сифатли уруғ — мўл ҳо-сил, деганларидек, картошкачиликнинг инновацион усуллари ва замонавий те-хнологиялар асосида ривожлантирилиши дастурҳонимизда "иккинчи нон"нинг тўкин бўлишиға мустаҳкам замин яратади.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

ТРАНСПЛАНТАЦИЯ РИВОЖИ

ТИББИЁТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ МУҲИМ КЎРСАТКИЧ

Бугун Ўзбекистонда ўн минглаб беморнинг орган ва тўқималар трансплантациясига эҳтиёжи бор. Хусусан, буйрак трансплантациясига 3,5 минггача, жигар трансплантациясига 2 минггача, юрак трансплантациясига 700-1000 гача, ўпка трансплантациясига 500 гача бемор муҳтож.

жигар трансплантацияси, 600 тадан ортқ буйрак операциясини ўтказдик. Натижалар яхши. Бундан ташқари, Республика шошилинч тиббий ёрдам марказида болаларга буйрак трансплантацияси йўлга қўйилган.

бор юртдошларимиз учун янада қулайлик яратлади. — Навоий вилоятининг Хатирчи туманидан келдим, — дейди жарроҳлик амалиётини бошидан ўтказган Фазлиддин Пирматов.

беморнинг умри 17 йилгача узайиши мумкин. Мазълумотларга қўра, бугун Ўзбекистонда ўн минглаб беморнинг орган ва тўқималар трансплантациясига эҳтиёжи бор.



амалиёти масаласида юртдошларимиз ҳамон хориждаги шифохоналарга мурожаат этишга мажбур бўлмоқда. Хорижга кетаётганларнинг қаршида, аввало, молиявий муаммо туради.

ривожлантириш марказида янги кафедра ташкил этилди. Шу йўналишда хорижда таҳсил олган ва малака оширган шифокорлар маҳаллий ҳамкасбларини ўқитиши дастури режалаштирилган.

Бошланиши 1-бетда

Тиббиётнинг янги мураккаб, ўта масъулиятли ва айни пайтда эҳтиёж ортиб бораётган йўналишларидан бири трансплантология, яъни инсон органлари ва тўқималари (хужайралари) трансплантация қилиш масаласи бугунги куннинг муҳокамали ва ўз ечимини қутаётган муаммоларидан биридир.



тация бўйича хорижлик фуқароларни ҳам қабул қилишимиз мумкин. Қўшни Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистондан мурожаатлар бўляпти. Бу эса трансплантация имкониятларини янада кенгайтиришни таъқозо этмоқда.

Шифокорлар жуда яхши қаради. Барча керакли шарт-шароит яратилган, доридармон давлат томонидан бепул берилди. Агар юртимизда шундай имконият бўлмаганда, чет элга бориб, жарроҳлик амалиётини ўтказишга қўрқиб қўлини қўймасдик.

Буйрак трансплантациясига муҳтож беморлар амалиётгача ҳафтасига икки-уч марта гемодиализ муолажасини олиши керак. Бу беморнинг ҳолатини бироз кийинлаштиради.

Буйрак касаллиги билан оғриган беморлар уч кунда бир шифохонага бориб, гемодиализ олади. Буйрак бажариши керак бўлган вазифани гемодиализ аппарати бажарди. Лекин унинг ўрни тўлиқ боса олмади, — дейди Пўлат Султонов.

Борадиган мамлакатнинг тилини билмаслиги, шифокор билан эркин мулоқотга кириша олмалиги, операцияни ўтказиб, уйга қайтиб келганидан сўнг хорижий давлатдаги шифокорлар билан доимий мулоқотда бўлиб туриш шартлиги бемор ва унинг яқинларига анча нуқулайлик туғдиради.

Иммуногенетик, патогистологик текширувларни ўтказиш учун ихтисослашган лабораторияларни ташкил қилиш ва уларни усунулар билан таъминлаш зарурати мавжуд. Бу мураккаб лабораторияда бемор билан донор аъзоларнинг мос келишини аниқлаш учун генетик анализлар қилинади.

Рисолат МАДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Чорвачилик ҳам илм-фан туфайли ривожланади

Ҳозир юртимизда қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш тармоғи жадаллашаётган бир пайтда чорва моллари ва паррандалар саломатлигини муҳофаза этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар долзарб аҳамият касб этмоқда.



Шу туфайли ҳайвонлар ва паррандаларни юқумли касалликларга қарши режалаш махсус эмлаш ва ташхислаш зарурати ортапти. Ўз навбатида, мунтазам диагностика ва эмлаш тadbирлари қишлоқ хўжалиги ҳайвонларига хос юқумли касалликларнинг олдини олиш учун етарлича сифатли вакциналар, диагностика ва бошқа воситаларнинг мавжудлигига боғлиқ.

Институт ходимлари томонидан ишлаб чиқилган 45 дан ортқ патентланган ихтиро, 200 дан ортқ тавсия, йўриқнома, қўлланма, методик кўрсатма, ишлаб чиқариш режамаси, ташкилот стандартлари чорвачилик соҳасига изчил тadbир этиляпти. Бой илмий тажриба ва салоҳиятга эга институт жамоаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан тақдир этилган стартап лойиҳаларда мавжуд илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришга жадал жорий этиш ташаббусини фаол қўллаб-қувватламоқда.

Ҳамкорлиқни ривожлантириш учун 2021 йилда Ўзбекистон — Россия "UNIGEN" МЧЖ ҚҚ компанияси билан биргаликда Инновацион ривожланиш вазирлигига умумий қиймати 2 миллиард 170 миллион сўмлик учта ариза киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 ноябрдаги "Биотехнологияларни ривожлантириш ва мамлакатнинг биологик хавфсизлиги тизимини тақомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинганидан сўнг мамлакатимизда соҳага таалуқли илмий-тадқиқот муассасаларининг роли сезиларли даражада ошди.

Стартап лойиҳаларни жорий этиш шуни билан ҳам фойдалики, бунда даромад манбаини топиш учун бизнесни илмий мухитга жалб қилиш қисқа вақтда ўзини оқлайди. Чунки лойиҳаларнинг асосий вазифаси илгари мазълум бўлган даромад олиш ва уни амалга ошириш усули билан бизнесни кенгайтириш ҳисобланади.

Ветеринария илмий-тадқиқот институти 2019 йилда биринчи марта "BIBINOR" МЧЖ билан ҳамкорликда 930 миллион сўмлик стартап

Мухиддин РЎЗИМУРОВ, Ветеринария илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари, Нурмухаммад МАРДОНОВ, Самарқанд вилояти ҳудудий инновацион ривожланиш бошқармаси бошлиги

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Ота-она қарамоғидан маҳрум ва етим болаларни қўллаб-қувватлашнинг янги тизими

Ёш авлод вакиллари оилага яқин муҳитда тарбиялаш, билим ва маънавиятни, ватанпарвар инсонлар этиб вояга етказиш имконини беради

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болаларга таълим бериш, ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш ҳамда манфаатларини рўёбга чиқариш бўйича муайян ишлар амалга оширилатганига қарамай, мазкур йўналишда ўз ечимини қутаётган масалалар ҳам бор.

Жорий йил 28 июль кунин Президент раислигида ногиронлиги бўлган, ота-она қарамоғидан маҳрум ва етим болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кенгайтириш ва ижтимоий нафақаларни тақомиллаштириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселатор йиғилишида ана шулар ҳақида атрафчилик сўз юритилди.

Унда таъкидланганидек, мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни тарбиялаш ва қўллаб-қувватлашнинг бир неча тузилмаси мавжуд. 13 та Болалар уйида 560 нафар, 16 та Мехрибонлик уйи ва 4 та Болалар шаҳарчасида 1 минг 823 нафар, 86 та махсус мактаб-интернатда 21 минг нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Бундан ташқари, 79 минг бола ҳомийлик, вазийлик ва оила патронати қарамоғига олинган.

Ийгиликда мазкур муассасалардаги ёшларнинг таълим-тарбияси, уй ва иш билан таъминлаш даражаси таҳлил қилинди. Юртимиздаги барча Мехрибонлик уйлари Халқ таълими вазирлиги тизимидан чиқарилиб, Миллий тизимга ўтказилиши таъкидланди. Мазкур йўналишни тизимли бошқариш ва соҳада мулталоқ янги тарбиявий муҳитни шакллантириш механизминини йўлга қўйиш мақсадида Миллий гвардия тизимида кўмондонинг яна бир ўринбосари лавозими ҳамда бошқарма ташкил этилиши белгиланди. Шу билан бирга, Мехрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчаларига Миллий гвардия ходимлари директор ўринбосари сифатида бириктирилди. Мехрибонлик уйлари фаолиятини ташкил этиш ва молиявий-ҳўжалик фаолиятини самарали бошқариш бириктирилган ходимнинг асосий вазифалари қаторига киритилди.

ларнинг 95 фоизи аёллар экани, болалар уларни "она" деб қаъришини айтар экан, "Лекин "ота" тарбияси-чи? Бу ердаги фарзандларимизни оилага имкон қадар яқин муҳитда тарбиялашимиз учун албатта, "ота" ва "она" меҳрини бера оладиган тизим яратиш керак", деб таъкидлади.

Ийгиликда Миллий гвардия тизимига ўтказилган 16 та Мехрибонлик уйи ва 4 та Болалар шаҳарчасига Миллий гвардиянинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари раҳбарлигида малакали офицер ва психологлар бириктирилиб, логопед ва дефектологларни ишга олиш, тарбияланувчиларни фан, хорижий тиллар, касб-ҳунар ва тadbиркорликка ўқитиш, спорт билан шуғулланишини ташкил этиш бўйича мулталоқ янги методикалар ишлаб чиқиш юзасидан топшириқ берилди.

Бу топшириқлар юзасидан Миллий гвардия кўмондони раҳбарлигида ишчи гуруҳ тузилиб, зарур чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, мазкур муассасаларда тарбияланувчи болалар билан очик мулоқот ўтказилиб, уларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишилди.

Мухтасар айтганда, Мехрибонлик уйлари ҳамда Болалар шаҳарчаларидаги ёшларнинг таълим-тарбиясига Миллий гвардия масъул этиб белгилангани мазкур муассасаларда болаларни оилага яқин муҳитда тарбиялаш, билимни ва маънавиятни, ватанпарвар инсонлар этиб вояга етказишда муҳим аҳамият касб этади.

Умид ИСКАНДАРОВА, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети ўқитувчиси, подполковник

ТАРИХГА НАЗАР

ҚАЛБ ВА ҚАНОТЛАР

СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН ВА АМИР ТЕМУР: БИР ВОҚЕЛИКНИНГ ИККИ ҚИРРАСИ

Бошланиш 1-бетда

Шубҳасиз, бундай теран мазмунли, худди тафнинг икки учини бир қўлда ушлаб бўлмаганидек, ягона қамровда тутиб бўлмайди. Бинобарин, аслида ҳам шундай, бу икки шавкатли аждодимиз ҳақида неча юз йиллардан буён неча юз саҳифали тарихлар ёзиб келинмоқда. Бизнинг бу саъй-ҳаракатимиз эса Турон осмонининг мазкур икки ёруғ улдузини ёнма-ён тасаввур қилиб, улар ҳаётидаги муштарак жиҳатларни таққослаб, шу орқали зехнимизни ёритиш, унутлаб қолган ва ҳаётини губорлардан тўлиқ покланмаган қадриятларимизни ёдга олиб, юртимизнинг ўтмиши ҳам, тарихи ҳам, демак, келажаги ҳам ягоналиги, яхлитлигини яна бир бор эса солишди. Озод юртимиз тугросида акс этган Ҳумо тимсоли эрталардаги афсонавий қушдан олинмаган, балки унинг қалби, ўнг ва чап қанотлари аждодлар тарихининг чиғириндан ўтган чўғ мазмунли ифодалаб турибди.

Гудакликдаги номлари Жалолитдин (бобоси Жалолитдин Отсиз шарафига) ва Темур (Куръони қаримдаги "Мулк" сураси, 16-оятдан) бўлган боболаримизнинг туғилиш санасида 139 йил фарқ бор. Жалолитдин Урганчда дунёга келди, унинг отаси Алоиддин Мухаммад 1077 йилдан ҳукмдорлик қилиб келаётган Хоразмшоҳларнинг еттинчи вакили эди. Онаси Ойчечак қайнотаси, уша пайт (1193-1200 йиллар)да тахт соҳибни Алоиддин Текиш истагига мос равишда тўнчи набирани ҳада этганди.

Шахрисабзда таваллуд толган Темурбекин отаси Мухаммад Тарағай улусининг обрўли беқларидан бўлиб, диндор ва маърифатли киши эди. Онаси Такина хотун Бухоро шариат қозиси Убайдуллоҳ Махмуд ал-Маҳбубийнинг қизи эди. Жалолитдиннинг туғилиши табриклаб, шайх Нажмиддин Кубро дуолар қилган бўлса, Темурбека шайх Шамсуддин Кулол исм қўйиб, ёруғ иқбол тилаганди.

Даврининг нуфузли, банд мартабали оилаларида кўз очган шахзода ва бекзода болалик ва ўсмирлик йилларини тўқис муҳитда ўтказгани, замонасининг таниқли кишиларидан сабоқ олиб, ҳарб илмида ҳам, маърифатда ҳам баркамол даражага етгани тарих китобларида ишончли қайд этилган. Улар тийнатидаги жисмоний устунлик қилиш қоши, найза улоқтириш, мерганлик сингари жанговар машғулотларда тенгсиз бўлишларини таъминлаган, уларнинг зуваласида аввалбошидек буюк саркардалик салоҳияти қамол топан эди. Ишончли манбаларда Жалолитдин ҳам, Темурбек ҳам икки қўлда икки қилч билан баравар чопишгани, бундай маҳорат қамдан-кам ҳарбийларга насиб этиши таъкидлаб ўтилган.

Улар улғайиб, сафга кирган, замоннинг оғрикчи саволларига рўпара келди. Бирини издиҳом (бу шароитни юмшоққина қилиб "маърақа" ҳам деб аташ мумкин)нинг бошда турди, биринчиси босқинчиға қарши курашни бошлади ва, ниҳоят, кейингиси босиб келган тун зулматини парчалаб, ватани озодликка олиб чиқди — Султон Жалолитдин ният қилган оламшумул юмушни Амир Темур охирига етказди.

Султон Жалолитдин тарих сахна-сига чиққанда шарқдан қўзғалган бало

Хоразмшоҳлар салтанатини ҷумолидек қириб келар, бу бўҳронли тўхтадагидан куч майдонда йўқ, шон-шухратдан боши айланган ҳукмдорлар жиловини қўлдан берган эди. Жалолитдин тақдирининг барча зарбаларига чидаб, ҳам ички ёв, ҳам ташқи душман билан мурасасиз курашди. Босқинчиларга қарши муҳорабасининг энг чўққиси ва шавқатсизи — Синд дарёсининг Нилоб кечуви яқинида толе унга бир қулиб боққанди. Жасорат билан душманнинг темирдан ҳам мустаҳкам мудофасини ёриб борди. Афсуски, Чингизхон омон қолди. Ғолиб бўлган, шавқатсиз қасос олди...

Амир Темур қамолга етган паллада Чингизийлар авлодидан бошлиқлар ўзгарган, бироқ зулм, истибод бурунгидай қолган, балки баттар кучайган эди. Уша пайтда Мовароуннаҳрни идора қилиб турган Туғлуғ Темур Чингизхоннинг Чига-той улусини бошқарган олтинчи авлоди эди. Темур вазиятни чамалаб, фурсат келишини кутиб, унинг хизматига боради. Худди шу йили у Жалолитдин сўнги бор Чингизхон билан тўқнашган ва дарёдан ўтиб кетган ёшда эди.

Тарихдаги эврилишини қарангки, ёвға қарши бир қасоскор майдондан чиқди ва орадан 139 йил ўтиб, бошқаси ўша ёшда яна ўша завол толган мақсадни байроқ қилиб, қасос ўти билан пайдо бўлди. Бу тасодифларда қандайдир ички мантқиқ борга ўхшайди ва у ўз ҳақиқати билан Султон Жалолитдин ва Амир Темурнинг ягона воқелик эканини, ягона халқ армонларининг ибтидоси ва интихоси — зулмага қарши курашнинг бошланиши ва охирига етказилишидаги икки нуқта-лигини тасдиқлаб турибди. Ҳақиқатан, Соҳибқирон Амир Темур салтанатининг юзага келиши қоронғулик туғаб, ёруғлик бошлангани аломати эди. Султон Жалолитдин вафот этганига 139 йил тўлган, Амир Темур унинг орузини рўёбга чиқарди. Мовароуннаҳрда туркийлар давлатини тиклади (1370 йил).

Амир Темур, кейинчалик Темурийлар ҳукмронлиги даври миллатнинг, ватаннинг барча орузлари амалга ошган йиллар бўлганини бугунги хулосалар ҳам тасдиқлайди. Шунингдек, бу давр мўғуллар истилоси туғайли узилиб қолган ва яна тикланган (бугунги истилоҳ билан айтганда) ўзбек давлатчилигининг қад ростлаши ва изчил давом этиши даври бўлди. Амир Темур бир пайтлар Хоразмшоҳларнинг ҳам пойтахти бўлган Самарқандни ўз давлатининг маркази сифатида танлади. Соҳибқирон салтанати даврида Хоразм воҳосининг маъкеи юксалди, юрт обод бўлиб, гуллаб-яшнади. Амир Темурнинг бу худуда алоҳида эътиборини шундан ҳам бўлса бўладики, Хоразм тўғридан-тўғри марказий бошқарува қараган ва ҳазинадан маблағ ажратилганда, пойтахт билан тенг мавқеда турган. Хоразм маликиси Хонзодахошимнинг тўнғич келин сифатида танланганида ҳам айрича меҳр, қолаверса, теран мазмун уфури турибди.

Айни шу ўринда фикрдаги бир стереотипга муносабат билдириб кетишга тўғри келади. Кўпчилик Амир Темур Кўҳна Урганч қалъаси (ҳозир Туркманистон ҳудудидан) вайрон қилган, деган фикрға ортиқча урғу беради. Бугунги маълу-

мот ва дунёқараш даражасида мазкур қарашға батафсил изоҳ бериш мумкин (негаки, тарихимизда оқ доғлар бўлмаслиги лозим).

Амир Темур Самарқанд тахтига ўтирганда Хоразмда Сўфийлар авлоди ҳукмронлик қиларди. Чингизхон улусининг уруғидан уйлангани учун уни қаттиқ ҳурмат қилишарди. Шу қайфият таъсирида кўп кутқуларни юзага келтирдилар, Амир Темур беш марта Хоразмға келиб, музокаралар қилди, лекин улар бузғунчиликларни авж олдираверди. Ана шундай шароитда қатъий чора кўрмасликнинг илжоси йўқ эди. Қолаверса, Кўҳна Урганч қалъасининг бузилиши Соҳибқироннинг суронли юришлари қўламини солиб қўрилса, оддий воқеа бўлиб қолади. 1367 йилда Қарши, 1370 йилда Балх ва яна бошқа ўнлаб қалъаларға ҳам ҳарбий мақсад нўқта назаридан зарба урилган эди. Кўҳна Урганч қалъаси орадан

размшоҳ Чингиздин қочиб ўзини сувға ташлаб эрди. Чингизхон сувдин ўтмай қайтди, соҳибқироннинг чодирини анда тиктилар". Бу жой ўша тахликали 1221 йил 23 ноябрь куни Чингизхон аскарлари Жалолитдинға етиб олган ва мурасасиз жанг бўлган Нилоб кечуви эди. Шу жойда уч кун ҳаёт-мамот кураши давом этади, кучлар тенг бўлмаган жангда Жалолитдин қўлга тушмай, дарёдан ўтиб кетади. Бу музаффар тарих, Чингизхондай тошорак инсонни ҳам ҳайратта солган жасорат Амир Темурға маълум бўлмаслиги мумкин эмас эди.

Узоқ аждоди, қолаверса, салафати (маслаги бир ўтмишдошининг тақдирини ўчмас нўқта бўлиб қолган қирғоққа яқинлашар экан, Соҳибқирон бобомиз қандай қайфиятни кечирган, билмадик, лекин шу ўринда ўз дастхатини қолдиришға аҳд қилганини тарихчи бундай ифодалайди: "Ва ҳўкм бўлдиқим, "Синд суийға қўфрук боғласунлар!". Бу қарор Жалолитдинға



ҳеч қанча вақт ўтмай, аҳвол ўнганган, олдингисидан ҳам бандан ва мустаҳкам қилиб қайта тикланган. Бу воқеаға урғу бериб кўпиртирилишининг сабабини кидириб, узоққа бориб ўтириш шарт эмас. Бу ивони шўро мафқурачилари ўйлаб толган ва халқни бўлиб ташлашининг бир усули сифатида қўлланган. Аслида ким Султон Жалолитдинни яхши қўрса, Амир Темурни ҳам ҳурмат қилади, негаки, бу икки улғу зот бир-бирини тўлдирадиган, бир-бирдан ажралмайдиган ҳодисадир.

Ҳақиқатан, қарийб бир ярим аср давом этган мўғуллар истилоси ва босқинчиларға қарши эрк кураши тарихини чамалаб қўрсақ, йўллар бир неча жойда кесилингани, лашкар бир кўприқдан бир неча марта ўтганини ҳис қилиш кийин эмас. Чунки топталган замин наҳот кутар, унинг шер илгитлари майдонда от суриб, истибоддан қутулиш йўлини изларди. Гўёки улкан саҳнада ҳарбий ҳаракатлар давом этар, саҳна кўринишлари, томоша иштирокчилари ўзгариб турса-да, моҳият битта эди: Ватан озодлиги! Демак, ўз-ўзидан воқеликларнинг тақдорлини кузатилади. Султон Жалолитдиннинг изи қолган манзиллардан эрк истагидеа ёниб Амир Темур ҳам бир неча марта ўтган.

Мана, бир мисол. Амир Темур Ҳиндистон сафари давомида (1398 йил) Синд дарёси қирғоқларига яқинлашиб боради. Бу ҳақда тарихчи Шарафиддин Али Яздиди бундай ёзади: "Соҳибқирон... Бонудин кўчуб, жумъа кун муҳаррам ойининг сакizinда (20.09) Синд суийға етиб тушди. Ва ўшул ердиким, Султон Жалолитдин Хо-

наҳот берган сўқмоқдан авлодларға кенг йўл очилгани таъминланганига ишора эмасми?! "Ҳўкм била Соҳибқироннинг чекини икки кунда қўфрук боғладилар". Лашкарға яна икки кун дам берилади, албатта, хотирлаш тадбирлари ўтказилгандир ва Соҳибқирон шу ерда бир қанча элчиларни қабул қилади.

24 сентябрда янги кўприқдан ўтиб, лашкар чўлга етиб боради. "Ва ул чўл асру йирог чўл турур ва ани Жалолитдин чўли дерлар, ул сабабдинким, Султон Жалолитдин Хоразмшоҳ Чингизхондин кутулиб, сувдин кечиб, бу чўлга кириб халос бўлди", деб ёзилди Мухаммад Али Бухорий таржима қилган "Зафарнома"да. Шунингдек, ҳазрат Соҳибқирон Ҳиндистондан қайтишда ҳам бу жойда тўхтаб (1399 йил 10 март), ўз хурматини изхор этади: "Соҳибқирон келиб, қўфрукдин ўтув, тушгача анда тушуб ўлтурди".

Неча юз йиллар олдин воқе бўлган бу саъй-ҳаракатлар орадаги вақт масофасини ениб, бизға сассиз-содсиз гўзал тарихни сўзлайди. Табиатида қаҳрамонлик ва жасоратни қадрлаш ҳисси бўлган, ўзи ҳам қаҳрамонлик ва жасоратда тенгсиз зот умнинг шиддатли лаҳзаларига гувоҳ бўлган заминда туриб, балки ўтган кунларни, озодликнинг машаққатли йўлларини кўз олдиндан ўтказгандир, балки ўз аждодининг аянчли қисматини эслаб, ун мазмунини тарозига кўйгандир. Бироқ ҳақиқатга яқини шукки, ўша лаҳзаларда Соҳибқироннинг тафаккурида ва тасаввурда Жалолитдин тимсоли пайдо бўлган, у билан ҳаёлан учрашган,

хайрли амаллар қилишға ундайди. Илми кўп, аммо амали кам халқлар қатори эҳсон деганда, асосан, жонлиқ сўйиб, элга ош тарқатишиниға тушунадиган бўлиб қолдик. Ҳолбуки, аждодларимиз бурун "Икки киши ўртасини адолат билан ислоҳ этиш — эҳсондир", деган суннатға қаттиқ амал қилган.

Ҳоливуду Болливуднинг аксарият фильмларида адолат истаган фуқаронинг судда ғолиб чиқиши таъсирчан лаҳзаларда кўрсатилади. "Фақат ҳақиқатни сўзлайман...", дея онт ичган гувоҳ, мазлум ва ситамгар тўқнашув, судьянинг адолат тарозисини тўғри кўйгани оқибатида ҳақиқат тантана қилини томошабинни ҳаяжонға солади. Инсон онгига кучли таъсир этувчи восита бўлиши кинода муайян ғоя илгари сурилиши аён ҳақиқат. Шу маънода, мазкур китоб тарғиботи борасида тақлифим шукки, тарих ва бугунни уйғунлаштирган кўп қисмли ҳужжатли, бадиий фильм яратиш ва уни телеканаллару ижтимоий тармоқлар орқали тарғиб этиш зарур.

Бугунги ёшлар виртуал олами, визуал ҳақиқат-

Ватан озодлигидек буюк ҳикмат қўллаб шарафли аждодларимиз қатори тақдирини бир-бирига анча ўхшаб кетадиган бу уч бобомизнинг бошини ҳам бир жойға қовуштирди. Яна уларнинг чамбарчас барҳаёт руҳи озод юртимиз худудларини ҳам ягона жисм сингари бирлаштириб турганға ўхшайди: агар Жалолитдин Манғуберди гарбий худудларимиз рамзи бўлса, Бобур Мирзо шахсида шарқий вилоятларимиз мужассамлашган, Соҳибқирон Амир Темур эса бу яхлит асарнинг қалбини ташкил этади.

балки бу дийдорлашув ўзаро рози-ризоллик қайфиятида ўтгандир, балки Султон ўз халафи (уринбосар авлоди) Амирға Турон заминининг шухратини янада юксалтириш йўлида истақларини изхор қилгандир...

Нима бўлганда ҳам шундай руҳдаги мулоқот бўлиб ўтганига кишининг ишонғиси келади. Эеро, Амир Темур тузган салтанат теран илдизға асосланган эди, унда Туронзаминнинг Тумарис, Широк, Спитамен, Махмуд Торобий сингари шерюрак баҳодирлари орзу қилган эрк ва озодлик руҳи мужассам эди. Ана шундай руҳ амалда пароканда бўлиб кетган давлатнинг тимсолиға айланган Султон Жалолитдинға ун йиллар давомида куч бериб турди ва у озодлик йўлида сўнги нафасигача курашди.

У 33 йил умр кўрди. Ўз мақсади йўлида каттиқ жидду жаҳд қилган бўлса-да, унга толе қулиб боқмади. Балки Салжукийлар билан зиддияти, ўз қондошлари билан тил топиша олмагани уни номурод этгандир. Соҳибқирон Амир Темур эса бу тахликали кунларға чек қўя олди. Ватанин озод этиб, унда 35 йил музаффарона ҳукмронлик қилди, шу даврда 27 мамлакатни бирлаштириб, улкан салтанат яратди. Бобомиз асослаган давлат қарийб опти аср тарихи саҳнасида собит турди...

Ҳа, Синд дарёси, ундаги Нилоб кечуви (гузари) икки буюк саркарданнинг мангу хотирасига ўхшайди. Кейинчалик бу йўллардан Заҳириддин Мухаммад Бобур юрди.

Инсон болаларига кўп ҳам насиб этавермайдиган фазилат эгаси — эрк ва озодликка қалби ташна бўлган Бобур ўз истаги йўлида "Ҳинд сори юзланар" экан, бу юртнинг қай бир гўшаларида ёвуқ ватандошларининг изи қолганини биларди. Узининг машур асари — "Бобурнома"да турли муносабат билан Синд дарёси (суйини) 15 ўринда қайд этиб ўтади: "Синд суйининг уч гузаридан ўтиб, бу йўллар била келурлар. Нилоб гузаридин ўтганлар", "Синд суйини ёқалаб, сув куйиға боқа кўчурди", "Қобул суви била Синд сувининг қотилишининг куйроқ кўҳна Нилобдин юкорроғ...", "Карк... Синд суви жангалларида... қалин бўлур" каби. Ва бир рубойи:

Юз шукр де, Бобурки, қариму Фаффор Берди сенга Синду Ҳинду мулки бисёр. Иссиқлиға гар санае йўқтур тоқат, Совуқ юзини курай десане, Ғазни бор.

Ҳам шукрона, ҳам изтироб ифодаланган бу рубойи Бобурнинг Ватан соғинчи ила ёзилган дардли шёрларидан бир намуна, Бобур ўз ижоди, ватанпарварлиги билан халқимизники, озод юртимизникидир. Бу ҳуқуқни бизға аждодларимиз минг йиллар оша орзу қилиб келган мустакиллик хатлаб берди. Истиқлол қўллаб қадриятлар қатори халқимизнинг буюк фарзандлари қадрини жойига қўйди. Агар бир замонлар уларнинг номини тилға олиш ҳам таққиланган бўлса, мустакил юрда уларға муҳташам ҳайкаллар тикланди. Юртимизда Жалолитдин Манғубердининг 800 йиллиги, Амир Темурнинг 660 йиллиги, Бобур Мирзо таваллудининг 510 йиллиги ҳалқаро доирада кенг нишонланди.

Ватан озодлигидек буюк ҳикмат қўллаб шарафли аждодларимиз қатори тақдирини бир-бирига анча ўхшаб кетадиган бу уч бобомизнинг бошини ҳам бир жойға қовуштирди. Яна уларнинг чамбарчас барҳаёт руҳи озод юртимиз худудларини ҳам ягона жисм сингари бирлаштириб турганға ўхшайди: агар Жалолитдин Манғуберди гарбий худудларимиз рамзи бўлса, Бобур Мирзо шахсида шарқий вилоятларимиз мужассамлашган, Соҳибқирон Амир Темур эса бу яхлит асарнинг қалбини ташкил этади.

Мустакил юртимиз гербида Ҳумо қуши акс этган. Бу жуда чуқур маъноға эга. Агар мен расом бўлсайдим, шундай бир улкан полотно яратган бўлардим. Унда Ҳумо қуши тасвири узоқдан кўриниб турар, унинг бағрида — бир қанотида Султон Жалолитдин, иккинчи қанотида Заҳириддин Мухаммад Бобур ва, албатта, уртада Соҳибқирон Амир Темур жой оларди. Ва, шубҳасиз, бу манзарани мустақил юртимиз — Ўзбекистон харитаси беэзаб турарди. Эҳтимол, бу сурат тарих, бугун ва келажакнинг энг мукамал ифодаси бўларди.

Ҳақим САТТОРИЙ, Республика Маънавият ва маърифат маркази мухтассиси

АДОЛАТ МЕЗОНЛАРИ



Мутафаккир шоир Абдулла Ориповнинг *Эшитган эдимки, ярадор оху Излармиш тоғлардан мўйиш* — нажот, деб бошланадиган шеъри бор. Оху захмига мўйиш малҳам бўлгани каби адолат, ҳақиқат излаганга суд идораси бамисоли нажот қалъаси бўлиб кўринади. Чунки одам баласи оч, юпун яшашга чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди, деган ҳаёт ҳақиқати бор.

Давлатчилик пайдо бўлгандан бери фуқаро адолат излайди. Топганидан йўқотгани кўп бўлган элимиз учун утган тузулмлар, сиёсату мафқуралар даврида адолат этиши гоҳ тақа-тақ ёпилади, гоҳ адолат истаганларга тўхмат қилиб ёпиштирилади. Мазлумлар Парвардигорға нола қилиб ўтган давр ҳали биздан узоқ кетган эмас.

Ўзбекистон Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан тайёрланган "Судья маънавияти, одоби ва масъулияти" китобини содиқ ҳамроҳ дегим келди. Таниқли зиёлилардан тузилган ижодий гуруҳ меҳнати зое кетмаган дейишға асосларимиз бисёр. Мазкур китобни имонга, эътиқодга чорлов, огоҳлик кўнгириғи дейиш мумкин. Китобда Куръон оятлари ва ҳадислардан

келтирилгани таъсирчан сазовор. *"Эй Одам фарзанди, билгинки, Мендан бошқа ёрдамчиси йўқ бечороҳол одамға зулм қилганларға нисбатан ғазабим қаттиқ"*, деган ҳадиси қудсийни англаган судья мезон борлигини, сўроқ-савол ҳақлигини унутмайди.

Тўплам нафақат судьялар, юридик йўналишида таълим олаётган талабалар учун муҳим қўлланма, балки афкор омма учун ҳам бирдай қизиқ ва фойдалидир. Адабиёт, тарих, фикҳ, мусулмон шарҳи ҳуқуқшунослиги сарчасмалари, азиз-авлиёлар ҳаётига оид ўнлаб ҳикоятлар ривоятлар, халқ мақолларини файласуфлар фикрлари ҳар қандай талабчан китобхонни бефарқ қолдирмайди. Китоб соҳа мухтассислари билан бир қаторда жамиятдаги ҳар бир онгли одамни

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК
Бош муҳаррир: САЛИМ ДОНИЁРОВ
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси
Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибят: (0-371) 233-56-60 Ўзлонпар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru
Тажриятта келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифға қайтарилимайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатға олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 3480. 76222 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.
“KOLORPAK” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмаҳона телефон: (78) 129-29-99
Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов Мусахҳиш: Насиба Абдуллаева Дизайнер: Хуршид Абдуллаев
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
ЎЗА яқини — 22:35 Топширилди — 00:35